

Савдогар - бағрикенг инсон



13:00 / 18.12.2018 2255

Мусулмон савдогар бағрикенг, осонликни истайдиган, баъзи нарсаларни ўтиб юборадиган бўлади.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Мусулмон одам доимо карамли, саховатли бўлиши керак. Айниқса, олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида. Бундай пайтда мумсиклик қилиб, тийиннинг устида етти думалаб туриб олиш барака келтирмайди. Балки сахийлик, очиқлик, бир оз ўтиб бериш Аллоҳнинг раҳматига, хайру баракага сабаб бўлади.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Аллоҳнинг раҳмати икки дунёга ҳам хосдир. Мазкур ишларда карамли, саховатли бўлган кишиларга Аллоҳ таолонинг бу дунёдаги раҳмати – молу мулкига, ризқу рўзига барака, ўзига соғлик-саломатлик, фаровон турмуш ва тинчлик-омонлик беришида кўринса, охирада эса жаннатга киришга сабаб бўлади.

Демак, сотувчи ҳам, олувчи ҳам карамли, саховатли ва хушмуомала бўлишлари керак. Шунингдек, бировдан ҳаққини сўровчи ҳам яхшилик, хушмуомалалик билан сўраши лозим.

Савдогарларнинг одобларидан бири бақир-чақир қилмаслик ва одобларга риоя қилишга интилишдир.

Мусулмон киши бозорга кириб келар экан, сокинликни ўзига лозим тутиши керак. Турли баҳоналар билан овозни баланд кўтариш, бақир-чақир қилиш одобга мутлақо тўғри келмайди. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари зикрида «Бадхулқ ҳам, қўпол ҳам, бозорларда шовқин солувчи ҳам эмас» деган сўзлар келган. Мусулмон киши бозорда ва олди-сотди муносабатларида барча одобларга риоя қилишга уринади, ҳалоллик ва тозалikka риоя этади.

Савдогарнинг одоби гўзал бўлиши савдосининг баракали бўлишига ҳам сабаб бўлади. Харидорларни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, уларга «Хуш келибсиз», дейиш ва гўзал муомала қилиш жуда ҳам яхши одатдир. Қовоқни солиб туриш, келган харидорларга эътиборсиз бўлиш, уларга ширин муомала қилмаслик савдогарнинг ўзига зарар бўлади. Бундай кишининг дўконига бир кирган одам қайта кирмай қўяди.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан